Газсимон органик бирикмаларни олишда кам ишлатилади. Тошкосмирнинг ранги ва чизиőи őора, зичлиги őсенőир космирникига őараганда коспроőдир ($1,1-1,3 \text{ г/см}^3$). Антрацит каустобиолитларнинг космир őаторига кировчи юőори даражада сезгарган туридир. У деярли углероддан ташкил топган оселиб, őора рангли, металл каби ялтирайди.

12–жадвал

Каустобиолитлар- нинг тури	C %	H %	O %	N %
-------------------------------	--------	--------	--------	--------

Ёғоч	50	6,0	43	1
Торф	50,9	6,0	33	2
Ўенђир кѳмир	69	5,5	25	0,8гача
Тошкѳмир	80,2	5,0	13	0,8гача
Антрацит	95	2,5	2,5	излари

Кѳмир бизда ва кáмдѳстлик мамлакатларида кенг тарғалган бѳлиб, бир неча ѳн метр ўалинликдаги ўатламлар ва линзаларни ташкил ўилади. Кѳмир асосий ѳшилђи хом ашѳдир. Ёнуvчи сланец ѳса паст сифатли ѳшилђи кисобланади. Улар ўуруў кáйдаш усули билан суюў ва газсимон органик бирикмалар олиўда кáм ишлатилади.

Саволлар:

1. Ўандай жинслар каустобиолитлар деб аталади?
2. Каустобиолитлар ўандай турларга бѳелинади?
3. Каустобиолитлар ўандай кѳсил бѳелади ва уларнинг амалий акамияти ўандай?

Чўкинди тоғ жинсларининг формацияси

Формация деб маълум вақт ва масофада барқарор бўлган фацияларни парагенетик бирлашмасига айтилади. Формациялар маълум тектоник муҳитда ва иқлим шароитида ҳосил бўлади. Тектоник муҳитга асосланиб формация учга бўлинади: геосинклинал, ўтар ва платформа.

Геосинклинал формацияларга куйидагилар киради: гил-сланецли, флиш, вулканоген-кременли, карбонат, кўмир, молас ва бошқалар.

Ўтар формациялар: кўмир, молас, қизил рангли , лагуна- тузли ва бошқалар.

Платформа формациялари — кварц-қумли, глауконит — фосфорит; карбонат ва бошқалар.

Формация фацияларни парагенетик бирлашмаси бўлиб унга маълум таркибий қисм хосдир. Формацияни фация бирлашмаси шаклида қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

Контитентал формациялар: арид, гумид ва нивал.

Ўтар формациялар: лагунно — тошиш ва дельта.

Денгиз формациялари: литорал, шельф, батиал ва абиссал.

Формация таркиб бўйича қуйидаги турларга бўлинади: карбонат, терриген, туз, глауконит — фосфорит, боксит, вулканоген — чўкинди, темир — марганец формациялар ва бошқалар

Қуйида кенг ривожланган айрим формацияларга тўхталиб ўтилган.

Кўмир формацияси геосинклиналь, ўтар зоналарда (чекка ва тоғолди ботикларида) ва платформаларда ҳосил бўлади. Уни таркибида ҳар хил турдаги бўлакли жинслар учрайди: цементланмаган — шағал, қум, алевроит, гиллар; цементланган — конгломерат, гравелит, қумтош, алевролит, аргиллит.

Геосинклиналь ҳудудларда маълум миқдорда метаморфик жинслар учрайди: гил ва аспидли сланецлар, алевролитли сланецлар, қумтош — кварцит ва бошқалар. Кўмир формациясига кирувчи бўлакли жинсларда айрим ҳолларда вулканоген материаллар учрайди (туф, пепла (кул), туффит ва туфоген жинслар).

Минерал таркибига кўра уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: мономинералли, олигомиктли ва полимиктли жинслар.

Қуйидаги жинслар кенг тарқалган: кварцли кум ва кумтошлар (асосан платформали кўмир формациясида), каолинитли ва гидрослюдали гиллар ва алевролитлар, каолинит ва гидрослюдали гиллар, монтмориллонит- гидрослюдали гиллар ва аргиллит, аркозли ва граувакали кумтошлар ва қисман алевроитли жинслар ва полиминералли гил ва аргилитлар.

Кўмир формацияси учун органик моддаларни жинсларда учраши хосдир – майин дисперсли кўмир заррачалари (гумисли бирикмалар), камроқ битуминоз моддалар. Жинсларда органик моддаларни бўлиши уларни қора рангли бўлишига сабабдир. Кўмирли ётқизиклар ҳар хил конкрецион моддаларга бойдир (карбонат, сульфид, кремнезем конкрециялар ва конкрецион қатламчалар).

Кўмир формациясининг кўпчилик жинслари чўкиндени дифференцияланиш маҳсулотлари бўлгани учун улар кўпроқ саралангандир. Аралаш жинслар кам учрайди. Улар фақат тоғлар оралиғидаги ботикларда ривожланган кўмир бассейнларини делювиал, пролювиал ётқизикларида учрайди. Кўмир формациясини таркибида бўлакли жинслардан ташқари кимёвий, органоген жинслар: оҳактошлар, доломитлар, кремнезём жинслари ва яна кўмирли жинслар ва кўмирлар ҳам учрайди.

Геосинклинальларни тоғ олди ботикларини кўмир формацияси катта қатламли бўлиб, цементланган ва

метаморфизмга учраган жисмлардан ташкил топган. Уларда кўп миқдорда қалинлиги катта бўлмаган кўмир катламлари учрайди. Кўмир юқори даражада метаморфизмлашган тошкўмир ва антрацитдан ташкил топган.

Платформаларни кўмир формациясининг чўкиндиларни қалинлиги унча катта бўлмаслиги, цементланмаган бўшоқ жинсларни борлиги, кўнғир кўмир (катламлар кам бўлиб, уларни қалинлиги катта) ва мономинерал таркибли бўлакли жинсларни борлиги билан фарқ қилади.

Кўмир формация жинслари фацциал томондан учта гуруҳ фаццияларига тўғри келади: континентал (алювиал, делювиал ва ботқоқлик), ўтар (лагуна, тошиш, дельта ва лагунна - ботқоқ) ва денгиз (асосан шельф фаццияси).

Кўмир формацияси учун чўкиндилар ҳосил бўлишида такрорланиш ҳосдир. У геосинклиналь бассейнларда аниқ яққол ривожланади. Юқорида келтирилган фацциялар бир-бирлари билан қоидали алмашинади. Фаццияларни кетма-кет келиши кесимларда ва ҳудудларда кузатилади: континентал фацциялар ўтар фацциялар билан ўрин алмашинади. Ўтар фацциялар эса ўз навбатида денгиз фацциялари билан алмашинади. Кесимдаги фаццияларни йиғиндиси чўкиндиларни тўпланиши ёки седиментация цикли дейилади. Седиментация циклини бошланиши трангрессив қатор фаццияларни регрессив қатор фацциялари билан алмашинишидир. Седиментация

цикллари фацияларни йиғиндиси ва масштаби билан фарқ қилади.

Биринчи белги бўйича (кўмир ости ва кўмир усти фациялари ҳисобга олинади, кўмир қатлами-циклни ўртаси) регрессив фациялар ажратилади: лагуна-кўл, тошиш-кўл, денгиз-лагунали; бирхил -лагунали ва денгиз; трангрессив фациялар: алювиал-денгиз, лагуна-денгиз.

Седиментация цикли масштаб бўйича қуйидагича ажратилади: элементар цикл, битта кетма-кет келувчи фация йиғиндиси (қалинлиги бирнеча ўн метр).

Мезацикл - цикллари йиғиндиси - регрессив, бирхил ва трангрессив (қалинлиги-ўнлар ва юзларча метр)

Макроцикл- мезоцикллари йиғиндиси – регрессив - бир хил - трангрессив (қалинлиги бирнеча юзлар метрлар, свитага, зонага тўғри келади).

Чўкиндиларни такрорланишини сабаби ер қобиғи тебранишининг ҳар-хил даражадаги ҳаракати натижасидир. У умумий чўкишни муҳитида содир бўлади.

Мисол. Кузбасс Ерунаков свитаси.

Ювилиш

-майда донали қумтош

-аргилит шўрланган сув фаунаси билан

-аргилит флора билан

-кўмир

-аргилит флора билан

-алевролит

-қумтош, ўрта йирик донали

-ювилиш, қалинлиги 20-50 м.

Молас формацияси баланд тоғларни емирилиш даврида ҳосил бўлади. Улар тоғ олди ётқизикларидир – ерни устки қисмидаги делювиал, пролювиал ва аллювиал ётқизиклардир ва қисман сув ости текисликнинг ётқизикларидир. Ётқизиклар асосан бўлакли жинслардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ичида дағал бўлакли жинслар кўпроқ учрайди.

Бу формация геотектоник циклни охирида ўсаётган ёш тоғларнинг емирилишини маҳсулотидир, улар кўп ҳолатларда метаморфизмга учрамайди (алп геотектоник циклини моласлари).

Моласни таркибида ҳамма турдаги бўлакли жинслар учрайди: валунларни тўплами, шағал, гравий ётқизиклари, ҳар хил катта – кичик донали қумлар, алевритлар, суглиноклар, супеслар, гиллар: цеменлашган жинслар: валунли конгломератлар, конгломератлар, брекчия, гравелитлар, қумтошлар алевролитлар ва аргиллитлар.

Моласларда бўлакли жинслардан ташқари органиген ва кимёвий чўкиндилар учрайди: оҳактош, ракушняклар (чучук сувли, шўрланган сувли), гипслар.

Жинсларни ранги кўпинча қўнғир, қизғиш, қизғиш - қўнғир, камроқ кулранг ва яшил бўлади. Молас бўлакли жинсларнинг минерал таркиби жуда ҳам ранг барангдир. Одатда молас ётқизиклари ичида асосан полиминералли жинслар кўпроқ, камроқ олигомиктли ва ундан кам мономинерал жинслар учрайди.

Моласларда ритмлар кузатилади. Ритмлар қалин бўлиб, одатда бирнеча 10 метргача, айримларда эса бирнеча дециметрларни ташкил қилади. Улар одатда тўғри, бир томонлама ювилишдан бошланадиган – дағал бўлакли ётқизиклар (конгломерат, брекчия), кесим юқорисига борган сари доналарни катта – кичиклиги камая бориб, майин пелит чўкиндилярига ўтади. Ритмни ўрта қисмида айрим ҳолларда карбонат ва сульфат жинслар кузатилади. Баъзан ритмни тескари тузилиши, яъни – пастда майин донали, юқорида эса дағал донали ётқизиклар кузатилади. Ритмик жинслар билан бирга норитмик бир хил молас ётқизиклар ҳам (конгломератлар, алевролитлар) учрайди.

Саволлар:

1. Формация деб нимага айтилади ва уни нечта турлари бор?
2. Кўмир ва молас формацияларини таърифлаб беринг.

Палеогеография

Қадимий геологик даврни физикавий географик муҳитини тиклаш бир томондан қизиқарли, шу билан бирга мутахассис учун энг қийин вазифадир. Физикавий - географик шароит деганда биз куруқлик ва сув ҳавзасини тарқалиш хусусиятларини, куруқликнинг манзарасини ва денгиз тубининг рельефини, куруқликда седиментация ҳавзаларида чўкиндилярни тўпланиш шароитини ва ҳамда нураш маҳсулотларини кўчирилишини ва уларнинг

ётқизилишини тушунамиз. Чўкиндиларнинг тўпланиш шароитини тиклаш мутахассисдан фактик материалларни синчиклаб йиғишни талаб қилади ва уларни тўғри таҳлил қилиш керак.

Мутахассисларни олдида қуйидаги вазифалар туради:

1. Чўкиндилар ёки жинслар (бўлакли, карбонат, туз, кўмир ётқизиклари ва бошқаларни) хусусиятини аниқлаш;

2. Сингенетик ва диагенетик минерал ва конкрецияларни таркибини аниқлаш;

3. Текстура ва структураларни ўрганиш, катламланиш хусусиятларини, гранулометрик таркибини, тўлқин изларини, қуриш дарзларини ва бошқаларни кузатиш;

4. Фауна ва флоранинг таркибини, яшаш шароитини ва кўмилиш жараёни аниқлаш.

Йиғилган материалларни синчиклаб ўрганиш ва уларни ҳосил бўлиш шароити аниқ бўлган ҳозирги чўкиндилар билан таққослаш, қадимий жинсларнинг ҳосил бўлиш шароитини тиклашга ва ўрганиш палеофациал харитани тузишга ёрдам беради.

Палеогеографик реконструкция қилишни биринчи босқичи чўкинди тўпланишининг шароитини тиклашдир. Фациал хариталар денгиз ва қуруқлик майдонини, қирғоқ чизиғининг ҳолатини тиклайди. Чўкиндилар таркиби ва палеонтологик материаллар иқлимни аниқлашда ёрдам беради. Масалан, карбонат тоғ жинсларида жинс ҳосил қилувчи қатламлар туркумини борлиги, уларни маълум денгиз шароитида

ва иқлимда ҳосил бўлганлигини билдиради. Латерит ва кўмирли чўкиндиларни борлиги иссиқ иқлим, намгарчилик кўп бўлган континентал шароитда жинслар ҳосил бўлганлигини кўрсатади.

Жинслар ҳосил бўлиш вақтидаги палеогеографик муҳитни тиклаш учун яна қуйидаги изланиш ишларини олиб бориш керак:

1. Аллотиген минералларни таркибини, уларнинг минерал бирлашмаларини аниқлаш лозим, ҳамда нурашга барқарор ва барқарор бўлмаган минераллар аҳамиятини ўрганиши керак;
2. Барқарор бўлмаган минералларнинг нураш даражасини ўрганиши лозим;
3. Чўкинди жинсларни ва нураш қопламасидаги гилли минералларнинг таркибини ўрганиш керак;
4. Бўлакли материалларни нураш манбаи бўлган қадимий жинсларнинг петрографиясини ва минералогиясини ўрганиш лозим.

Йиғилган материалларни тўғри таҳлил қилиш учун иқлим ва рельефни аллотиген минералларга таъсири ва аутиген минералларни ҳосил бўлишига таъсирини ўрганиш лозим.

Бўлакли минералларни сақланишига иқлим ва рельеф таъсири. Чўкиндиларни гранулометриқ таркибига иқлим ва рельеф таъсир кўрсатади. Баланд тоғли рельефда ҳосил бўлган чўкиндилар асосан йирик бўлақлардан (валун, галька, шебень) ташкил топган бўлади. Паст тоғларда ва тепаликлардаги чўкиндилар таркибида галка, шебень, кумлар бўлади. Паст

текислик рельеф шароитида эса кумли, алевроитли ва гилли чўкиндилар тўпланади. Шунини айтиш лозимки, абсолют баландлик эмас, нисбий баландлик катта аҳамиятга эга. Шу шаклда чўкиндиларни умумий миқдори эмас, уларнинг мавсумда тарқалиши ва чўкиндиларни хусусиятлари катта аҳамиятга эга

Иқлим ва ҳудуднинг рельефи чўкинди жинслардаги минералларни сақланишига ва тарқалишига таъсир кўрсатади. Бунини ҳозирги чўкиндиларда яхши кузатиш мумкин. Кимёвий томондан барқарор ва кам барқарор бўлган минераллар кўп миқдорда арид ёки нивал ва баланд тоғлар чўкиндиларида тўпланади. Паст текисликнинг худди шундай шароитда эса барқарор минераллар кам миқдорда тўпланади. Кимёвий нураш жараёни кенг ривожланган тропик, субтропик иқлим ва пасттекислик рельеф ҳудудларида ҳозирги пайтда ҳосил бўлган чўкиндилар орасида кимёвий нурашга барқарор бўлмаган минераллар учрамайди.

Масалан Қизил денгизни чўкиндиларида кўп миқдорда ўзгармаган дала шпатлари, биотит (80 % гача), роговая обманка, оливин ва бошқалар бор. Мисрнинг шарқий саҳросида ҳозирги пайтда ҳосил бўлган чўкиндиларни орасида ўзгармаган дала шпатлари ва ферромагнезиал минералларни миқдори 75 % гача етади. Англияни муз ётқиқиқларида эса - 80 %. Худди шундай минераллар қадимий жинсларда ҳам учрайди. Ўрта Осиё чўлларида қумларлар аркоз таркибли бўлиб, дала шпатлари яхши сақланган (Н.В. Логвиненко, 1984). Англияни юра ётқиқиқларидаги

қизил қумтошда, Хиндистонда сивалик сериясида ўзгармаган дала шпатлари аниқланган. Подмосковье ботиклигидаги верей қумларида ўзгармаган дала шпатлари ва биотит учрайди (Швецов, 1937).

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, чўкиндиларда барқарор бўлмаган минералларни бўлиши, чўкинди ҳосил бўлаётган пайтда арид ёки музлик иқлими бўлганлигини билдиради. Минералларда иқлимни ҳусусияти, яна сақланиш ёки нураш даражаси ўз аксини топган. Арид ва музлик иқлим шароитида кимёвий нураш даражаси паст бўлиб, минералларни сақланиш даражаси юқори, гумид иқлим шароитида эса кимёвий нураш даражаси юқори бўлгани учун минералларни сақланиш даражаси пастдир.

Нураш даражасини ҳамма минералларда ҳам ўрганиш мумкин, лекин у дала шпатларида яхши кузатилади. Нураган минералларни бошқа чўкинди жинслардан олинмаганлигига, уни диагенез ва кейинги жараёнларда ўзгармаганлигига ишонч ҳосил қилганда, дала шпатларининг нураш даражасига қараб қадимий даврдаги чўкинди ҳосил бўлган даврнинг иқлимини аниқлашда қўллаш мумкин (Логвиненко, 1984).

Гилли минераллар иқлим мезони. Ҳозирги пайтда нураш қопламалари ва тупрокдаги гил минераллари иқлимни яхши мезонидир. Гранитларнинг нураш қопламаларида қуйидаги гил минералларининг бирлашмаси (Седлецкий, 1948) учрайди: Коля ярим оролида - кварц, гидрослюда,

каолинит (кам микдорда); Жанубий Уралда - кварц, каолинит, гидромусковит; Қримда монтмориллонит, иллит; Ўзбекистонда- иллит; Хиндистонда-галлуазит, гидраргиллит.

Тупроқларда қуйидаги гил минералларининг бирлашмаси аниқланган: бўзтупроқда - иллит; қўнғир тупроқда - монтмориллонит, иллит, сидерит; Қорақумда- монтмориллонит, иллит; Шимолни ўрта зонасидаги бўз тупроғида- кварц, гидрослюда, каолинит, нонтронит; субтропикнинг бўз тупроғида – кварц, галлуазит, нонтронит, гидраргиллит; сарик тупроқда - галлуазит, гидрогётит, нонтронит, каолинит; қизил тупроқда- галлуазит, гематит, гидрогётит, гидрогематит; латеритда- метагаллуазит, гиббсит; Эритрей ва Хиндистонни қора тупроғида- монтмориллонит, серицит, галлуазит; Эритрей, Эстония ва Хиндистонни қизил гилида- галлуазит, гидрогётит, гидрогематит, гематит, гётит, бёмит, монтмориллонит (кам микдорда). Н.М. Страхов ва М.А. Ратеевлар олиб борган ишлари шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтдаги денгиз чўкиндиларида гилли минераллар асосан аллотиген минераллардан ташкил топган бўлиб, фақат тупроқни ва жинснинг нураш қопламасинигина эмас, қирғоқ олдидаги жинсларни ҳам акс эттиради. Шундай қилиб ҳозирги денгиз чўкиндиларидаги гил минераллари ҳозирги иқлимни қисман маҳсулидир. Қадимий чўкинди жинслардаги гил минераллари диагенез ва катагенез давомида анча ўзгаришга учрайди. Айрим ҳолларда улар тўлиқ равишда диагенез ва катагенез

жараёнларида ҳосил бўлади. Демак, улардан чўкинди тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш шароитини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин. Қадимий геологик иқлим шароитини тиклаш учун уларни синчиклаб ўрганиш лозим.

Арид ва нивал иқлимларида нурашга барқарор бўлмаган минераллар, гумид иқлимда эса нурашга барқарор минераллар тўпланиши аниқланган, деб ҳисоблаш мумкин. Тоғлик рельеф арид ва музлик иқлим билан биргаликда нурашга бардош бера олмайдиган минералларни тўпланишини тезлаштиради. Тоғлик рельеф гумид иқлим билан биргаликда иқлим таъсирини камайтиради. Яъни бу шароитда нурашга бардош бера олмайдигани ва бардошлилиги камроқ минераллар қисман тўпланиши мумкин. Айрим ҳолларда рельеф иқлим таъсирини анча камайтиради. Бунга мисол қилиб Мексикадаги ҳозирги ва палеоген, неоген даврда ҳосил бўлган аркозларни келтириш мумкин.

Агарда, арид ва музлик иқлим бўлакли (қумтош, алевроит) минералларни бардош беролмайдиган минераллар тўпланиш жараёнига бир хил таъсир этса, гилли минералларга нисбатан бутунлай бошқача таъсир этади. Нивал иқлим шароитида - гидрослюда, қисман каолинит, арид иқлим шароитида - монтмориллонит, иллит, серицит, хлорит ҳосил бўлади.

Гумид иқлим нурашга барқарор минералларни тўпланишига, барқарор бўлмаган минералларни эса нурашига олиб келади. Шундай қилиб, гумид иқлимни

ўртача намгарчилик минтақаси шароитида: гидрослюда, каолинит, нонтронит, монтмориллонит; гумид иқлимни субтропик ва тропик минтақаларида: монтмориллонит, серицит, каолинит, галлуазит, гидрогётит, гётит, гидрогематит: гумид - муссон иқлимини тропик ва субтропик минтақасида: метагаллуазит, гиббсит, галлуазит, гидрогётит, гидрогематит, гётит, гематит, бёмит ҳосил бўлади.

Бўлақларни кўчириш усулини ва йўлини таъминловчи ҳудудни аниқлаш. Кўчирилиш ва кўчирилиш йўли ҳақида бўлақларни силлиқланиш даражаси, ўлчами, материалларни умумий сараланиши, қия қатламларнинг нишаби, чўзиқ организм қолдиқларини йўналишига қараб айтиш мумкин.

Яхши силлиқланган ва сараланган заррачаларни денгиз ётқизикларида кузатилади, энг яхши сараланиш ва силлиқланиш эол қумларига ҳосдир. Деювиал ётқизикларда бўлақлар яхши сараланмаган ва силлиқланмаган бўлади.

Таъминловчи ҳудудни ҳусусияти тўғрисидаги тушунчани седиментацион ҳавза жинсларининг минерал таркибини, седиментация ҳудудининг ҳар хил фацияларини, денгиз қирғоқ олди ва континентал тарқалишини, ҳамда қадимий массивларни минералогияси ва петрографиясини ўрганиб, айтиш мумкин. Седиментацион ҳавзадан карбонат ва бўлакли жинсларни тарқалишини ўрганиб қирғоқ чизиғини ҳолати тўғрисидаги тушунчани, материал билан таъминловчи ҳудудни, айтиш мумкин. Қуруқликка яқинлашган сари карбонат ва гиллар миқдори камайиб,

қум ва дағал материаллар салмоғи ортиб бориб, йўналган текстуралар пайдо бўлади (сув оқимларини изи, йўналган галькалар ва бошқалар).

Седиментацион ҳудудни ташкил қилувчи жинсларнинг минерал таркибини ўрганиш, материал билан таъминловчи ҳудудни аниқлаш учун зарур фактик материал беради. Бу тўғрисида кўп маълумотларни седиментация ҳудудида тарқалган галка, шебень, гравелитларни ташкил қилувчи бўлақлар таркибини ўрганиб олиш мумкин.

Чўкинди ҳосил бўлишининг умумий қонуниятлари ва эволюцион ривожланиш тарихи

Чўкинди ҳосил бўлишининг умумий қонуниятлари, чўкинди жараёнининг даврий характерга эга эканлиги, чўкинди ҳосил бўлишини эволюцион тарихи, Ерни ташқи геосферасининг эволюциясини акси эканлиги мутахассислар эътиборини ўзиги жалб қилди. В.И. Вернадский, Л.В. Пустовалов, Н.М. Страхов, А.П. Виноградов, А.Б. Ронов В.Е. Хаин, П.П. Тимофеев, В.Н.Холодов, Н.В. Хворова, ва бошқалар томонидан Ерда чўкинди ва чўкинди жинсларининг ҳосил бўлиш жараёнини ҳар хил нуқтаи назардан ўрганилган.

Л.В. Пустовалов (1940) чўкинди моддаларнинг дифференциацияланиш назариясини яратди. Л.В. Пустовалов, А.П. Виноградов, А.Б. Ронов ва бошқа мутахассислар Ерда чўкинди ҳосил бўлиш жараёнини даврий ҳусусиятга эга эканлигини кўрсатдилар.

Л.В. Пуставалов, геологик кесимларда айрим тоғ жинсларини кўпроқ такрорланишини тектоник цикллار билан боғлайди. У: « тектоник цикл тоғ ҳосил бўлиш жараёни билан тугалланади »- дейди.

Ёш баланд тоғларни жадал нураши натижасида чўкинди ҳосил бўлиш ҳудудларига кўп миқдорда бўлакли материаллар олиб келинади. Тоғ тизмаларида денудация ва пенеплинизация жараёнларини ривожланиши давомида чўкиндилар тўпланиш ҳудудига бўлакли материалларни олиб келиниши камая боради, уни ўрнига кўп миқдорда кимёвий дифференциация маҳсулотлари олиб келинади. Цикл янги тоғ ҳосил бўлиш эталонини тамом бўлиши билан яна бошланади.

А.П. Виноградов ва А.Б. Роновлар Рус платформасининг чўкинди қатламини литологияси ва геохимияси бўйича маълумотларни таҳлил қилиб ва умумлаштириб шундай ҳулосага келадилар: бўлакли жинслар икки марта максимумга, герцин ва альп геотектоник цикллари бошланишида ва охирида етадилар, карбонат жинсларини максимуми цикллارнинг ўртасига тўғри келади. Бундай даврийлик чўкинди тўпланиши ва тектогенезни орасида боғлиқлик борлигини кўрсатади.

Чўкинди ётқизиқлар кесимида у ёки бу жинслар турларини (кумтош, оҳактош, доломит, тузлар ва бошқалар) даврий қайтарилиши чўкиш жараёнидаги оддий механик такрорланиш эмас. Бундай цикллилик седиментогенезни ҳамма шароитида қайтарилмас эволюция муҳитида ер қобиғининг ривожланиши,

гидросфера ва атмосфера билан боғланган ҳолда содир бўлади. У қайтарилаётган чўкинди қатламда жинс турларининг ўзгариш характерларида акс эттирилади. Бу А.П. Виноградов, А.Б. Ронов В.Е. Хаин, П.П. Тимофеев, В.Н.Холодов ва бошқа мутахассисларни ишларида кўп марта асосланиб кўрсатилган. А.П. Виноградов, А.Б. Ронов Рус платформасида токембрийдан то тўртламчи давргача бўлган давр ётқизикларидаги гилли жинсларнинг таркибида мунтазам равишда калий миқдори камайиб, натрий миқдори эса ошиб боришини кўрсатдилар. Бунга яна яққол мисол қилиб карбонат жинслар таркибининг эволюциясини келтириш мумкин. Токембрий ва палеозой даврларида доломит ва таркибида доломит материаллари кўп бўлган оҳактошлар ривожланган. Мезозой ва кайнозой даврларида асосан оҳактошлар ривожланган бўлиб, доломит эса аста-секин камайиб боради. Чўкинди ҳосил бўлишини эволюциясига яна мисол қилиб джеспелитларни архей ва протеразой денгизларида чўкмага тушганлиги, уларни фанерозойда ҳосил бўлмаганлиги ва джеспелитлар оолитли темир маъданлари билан алмашганлигини келтириш мумкин.

Н.М. Страхов биринчилардан бўлиб, чўкинди ҳосил бўлиш муҳитининг ўзгаришини геологик тарихнинг ўзгариши билан боғлашга уриниб кўрди. Чўкинди тўпланишининг эволюциясини гидросфера, атмосфера билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди. Шу сабабли Ер гидросфераси ва атмосферасининг ривожланиши чўкинди тўпланиш жараёнининг

ривожланиши учун муҳит деб билмоқ керак. Н.М. Страхов Ернинг геологик тарихида гидросферани, атмосферани ва чўкинди ҳосил бўлишини тўрт ривожланиш босқичига бўлади: азой, археозой, протерозой ва фанерозой босқичлари.

Азой босқичи - 5,0-4,75 млрд. йил. Бу босқичдан ташқи геосферани ва литогенезни ривожланиш тарихи бўйича маълумотлар йўқ. Улар тўғрисидаги тушунчалар бошқа планеталар тўғрисидаги физикавий, кимёвий маълумотлар ва планеталогиянинг бошқа планеталарнинг атмосфераси тўғрисидаги маълумотларига асосланган, асалан. Венерани атмосферасига ўхшаш.

Ернинг мантиясини дегазацияланиши жараёнида ундан сув буғи - H_2O ва учувчан компонентлар HCl , HF , H_3BO_3 , CO_2 , NH_3 , CH_4 ва бошқалар ажралиб чиққан. Сувни конденсацияланиши гидросферани шаклланишига олиб келди. Учувчи газлар Ер атмосферасининг тузилишини асоси бўлди. Бошланғич вақтда гидросферани, атмосферани миқдори оз бўлган. Улар геологик ривожланиш жараёнида секин - аста орта борган. Бошланғич океанни кимёвий таркиби ҳозирги замонникидан кескин фарқ қилган. Гидросферани муҳити маълум миқдорда pH 1-2 га яқин бўлиб, HCl , HF , H_3BO_3 , SiO_2 эритмалари концентрациясидан ташкил топган. Сувда яна H_2S , CH_4 , NH_3 , CO_2 ва бошқа газлар эриган ҳолда бўлган. Азой даврида гидросферани ривожланиш жараёни кучли кислоталарнинг водородидан ташкил топган. Дастлаб атмосфера кислоталари литосферанинг

силикат жинсларини бир - бирига муносабати ва атмосферанинг CO_2 сини таъсири натижасида жинсларни нурашидан ҳосил бўлган карбонатларни нейтрализациялантиришдан иборат бўлган. Натижада бирламчи океан суви секин - аста карбонатсиз хлорид типигаги сувга айланабошлаган. Карбонатлар кучли кислоталар таъсирида парчаланиб атмосферага CO_2 чиқара бошлаган. Атмосферани эволюцияси шундан иборат бўлганки, сувни фотодиссоциацияланиши натижасида ажралиб чиққан кислород NH_3 ни эркин азот ва сувгача оксидлаган. CH_4 , H_2S ва бошқалар ҳам оксидланган, натижада атмосферада секин-аста азот миқдори ортабошлаган.

Бу даврда литогенезнинг вулканоген - чўкинди тури ҳукмрон бўлган. Пеплани ва маълум миқдорда бирламчи жинсларни кимёвий нураш маҳсулотлари ҳисобига бўшоқ материаллар тўпланабошлаган. Шубҳасиз кремнезём, хлоридлар, Al , Fe , Mn , ҳамда уларни фторидлари ҳосил бўлган. Чўкиндилар орасида карбонатлар, Ca ва Mg сульфатлари бўлмаган.

Археозой босқичи 4,75-3 млрд. йилгача. Уни бошланиши тахминан олинган, охири эса, Н.М. Страховнинг фикрича, фотосинтез бошланиши билан аниқланган, яъни 2,5-3 млрд. йил олдин. Бу босқичга далил шаклида тоғ жинсларини келтириш мумкин. Масалан, Коля ярим оролида ва Приднепровьядаги мигматитланган гнейслар ва амфиболитларни келтириш мумкин, уларни минимал ёши 3-3,4 млрд йил бўлиб, улар юқори даражада метаморфик бўлакли ётқизиклардир.

Археозой босқичи даврида Ер қобиғи геосинклиналь ва платформаларга ажрала бошлаган бўлса керак. Ой кратери туридаги рельеф секин-аста Ер туридаги рельеф билан алмашинабошлаган. Атмосферадаги CO_2 материклардаги жинсларни кимёвий нураши натижасида ажралиб чиққан. Карбонатлар ҳисобига гидросферанинг таркиби ўзгара бошлаган, ҳамда сув ҳавзаларига бўлакли материаллар ҳам етиб келабошлаган. Океанларга кўп миқдорда материкдан Na, K, Ca, Mg, Fe, Mn ва бошқа элементларнинг карбонатларини етиб келиши, кучли кислоталарни тугашига олиб келди ва карбонат тузларини чўкиши учун шароит бўлабошлади.

Бу босқичнинг муҳим ҳодисаси, гидросферада бактерия ва бактериясимон автотроф организмлар кўринишида органик ҳаёт пайдо бўлабошлаганлигидир. Бу организмларнинг метаболизми органик бирикмаларнинг хемосинтезизм ҳисобига ушлаб турилган. Атмосферада азот ва CO_2 миқдори яна ҳам кўпаябошлаган. Эркин кислород атмосферада жуда ҳам оз бўлган.

Платформаларни пайдо бўлиши билан археозой босқичида, Н.М. Страховни фикрича, литогенез гумид, арид, музлик ва вулканоген чўкинди турларига дифференциацияланабошлади. Чўкинди ҳосил бўлишини муҳим хусусияти карбонат сидементациясининг пайдо бўлиши ва ривожланишидир. Карбонатли жинсларнинг асосий тури доломит бўлиб, у кимёвий усул билан чўкмага тушган. Океан ва очик денгизларда кремнезём, темир

ва марганецлар кўп миқдорда джеспелит шаклида кимёвий усул билан ҳосил бўлиши учун шароит бўлган. Темир минералларидан сидерит ва лептохлорит чўкмага тушабошлаган. Океан сувларида рН қийматини ортиши билан гил минералларини (гидрослюда, монтмориллонит) ҳосил бўлиш имконияти пайдо бўлади. Архей чўкиндилари орасида организмларни жуда кам ривожланганлиги учун органик моддаларни тўплами учрамайди. Литогенезни турини бироз дифференциациялангани учун эвапоритлар ҳосил бўлмаган.

Протерозой босқичи- 3,0-0,5 млрд. йилгача бўлиб, чўкинди жинслар етарли даражада ўрганилган. Уларни ўрганиш гидросфера, атмосфера ва литогенезнинг ривожланиш ҳолатини тасаввур қилишга ёрдам беради. Босқични бошланишида ҳосил бўлган (Кривой Рогдаги джеспелит ёши 2100-2850 млн йил) жинслар ғоят кучли метаморфиклашган бўлиб, босқични охирларида ҳосил бўлган рифей ва венд ётқириклари эса кам метаморфиклашган.

Ер пўстининг яхши ривожланган сиал қобиғи ҳосил бўлиб, унда платформа ва геосинклиналь ҳудудлар аниқ дифференциацияланади. Литосфера ҳажмининг ортиши натижасида нисбатан қари жинслар метаморфизмга учрай бошлайди ва чўкинди минераллар таркибидаги сувлар ва CO_2 ни сиқиб чиқарабошлайди. Шундай қилиб, литогенез жараёнига ювинил сувлардан ташқари гидросфера ва атмосферага қайтиб чиқарилган метаморфик сув ҳам жалб қилинабошлади.

Ернинг жанубий яримшарида Гондвана платформаси шаклланабошлади (Жанубий Американинг бир қисми, Африканинг катта қисми, Хиндистон, Австралиянинг катта қисми). Шимолий ярим шарда Шимолий Америка, Рус, Сибир ва Хитой платформаларни ядроси ҳосил бўлди, уларнинг орасида геосинклиналлар пайдо бўлиб литогенезни ҳамма турлари аниқ шаклланабошлади. Муз литогенезини ётқизиклари (Шимолий Америкада турон музланиши, рифей - экваториал Африкада) ҳосил бўлабошлади. Вулканоген - чўкинди литогенез турини устунлиги секин - аста камая бошлади. Гумид, арид ва музлик литогенез турлари эса кўпроқ ривожланабошлади.

Протерозой босқичини бошланишида муҳим ҳодиса фотосинтез ҳосил бўлишидир. Органик дунё хайвонларга ва ўсимликларга ажралабошлади. Бу ҳодисани яшил сув ўтларининг қолдиқларини доломитларда борлиги билан тасдиқланади, уларнинг ёши 2,7 млрд. йил атрофидадир.

Фотосинтезни вужудга келиши эркин кислород манбаини ҳосил бўлишига олиб келди. Фотосинтез қилувчи организмларнинг кўпайиши билан атмосферада кислородни миқдори ортабошлади. Протерозой босқичини охирига келиб атмосфера таркиби азот, кислород ва CO_2 дан ташкил топади. Бу ўз навбатида ҳар хил организмларни кескин ва тез ривожланишига олиб келади.

Атмосферада эркин кислородни пайдо бўлиши ва CO_2 миқдорини камайиши билан океан сувлари

оксидлаш ҳусусиятига эга бўлабошлади ва рН бўйича нейтрал муҳитга яқинлашабошлади. Олтингугурт ва водороди сульфиди O_2 ёрдамида сульфатларгача оксидланабошлади. Натижада гидросфера хлорид-карбонатдан хлорид - карбонат-сульфатга ўтабошлади, муҳит рН- 7,0 га яқинлашабошлади. рН қиймати ортиши билан, кўпгина элементлар, айниқса Al, Fe, Mn, оғир металллар Co, Ni, Cr ва бошқаларни ҳаракатчанлиги кескин камаяди. Бу компонентлар эритма шаклида камроқ кўчирилиб, кўпроқ коллоидал, субколлоидал система ҳолида кўчирилабошланди. Кислородли муҳитда Al, Fe, Mn ва бошқа элементлар гидрооксид ҳолида кўчирилиб чўкмага тушган. Шундай қилиб, аутиген минераллар икки босқичда ҳосил бўлабошлади. Улар оксид шаклида чўкмага тушиб, кейинчалик диагенез жараёнида сидерит, пирит ва бошқаларга ўтади. Сув ҳавзаларининг марказий қисмида ҳосил бўлаётган джеспелитларни ўрнига қирғоқ олди қисмида оолитли темир маъданлари ҳосил бўлабошлади. Al, Fe, ва Mn ҳаракатчанлигининг камайиши натижасида маъдан жараёни қирғоқ томон силжийди.

Қирғоқ олди қисмида глауконит ва фосфоритлар ҳосил бўлабошлади. Протерозой босқичининг иккинчи ярмида гумид иқлим шароитида кимёвий усул билан доломитни ҳосил бўлиши тугаб, унинг ўрнига оҳактош ҳосил бўлабошлади. Протерозой – рифейда кўк яшил сув ўтлари - строматолитлар ривожланабошлади. Протерозойни охирига бориб биомасса кўпайиб органик масса чўкинди жинсларни компонентларидан

бирига айланади. Айрим жойларда органик моддалар тўпланабошлайди, кейинчалик улар метаморфизланиб шунгитга (юқори сифатли кўмирга) айланган. Рус платформасида каолинитли нураш қопламаси рифейда ҳосил бўлган.

Фанерозой босқичи - 0,5 дан 0 млрд. йилгача. Бу босқичда гидросфера ва литогенезни ривожланишининг хусусияти чўкинди жинсларда ўз аксини топди. Бу жинсларда ҳосил бўлган белгиларга қараб жинс ҳосил бўлган жараёни катта аниқлик билан тиклашга имкон беради. Континент массивларини кенгайганлиги литогенезни тўрттала турини тўлиқ дифференциацияланишига ва ривожланишига имкон берди.

Фанерозой босқичининг тарихида энг муҳим ҳодисалардан бири бу тирик жонзодлар билан боғлиқлигидир.. Палеозойни бошланиш даврида организмлар континентни кенг эгаллай бошлади ва организмларнинг умумий биомассаси камида икки баробарига ортди. Гидросферада ҳам организмлар тез ривожлана бошлади. Н.М. Страховни фикрича, қисқа вақт ичида организмлар 3-3,5 баробар ортди. Организмлар томонидан метаболизм жараёнида ҳар хил бирикмалар (O_2 , $CaCO_3$, $MgCO_3$, P, Ba ва бошқалар) кўп миқдорда ишлатилабошланди. Улар гидросфера ва атмосфера геохимиясига таъсирини анчагина оширди. Улар секин-аста ҳозирги таркибга келабошлади. Гидросфера суви хлорид - карбонат - сульфатдан хлорид - сульфат таркибига ўтди. Бу

эриган карбонат массасини кескин камайиши билан боғланган.

Йирик континентал массивлар континетлар орасида сув хавзаларини пайдо бўлишига олиб келди.

Бу ўз навбатида қуйи кембрийдан бошлаб эвопоритларни ҳосил бўлиш жараёнини ривожланишига олиб келди. Гидросферадаги эриган тузлар кўп миқдорда чўкмага тушабошлади. Уларни чўкмага тушиши ҳисобига гидросферадаги тузларни миқдори доимо ўзгариб турган.

Кислороднинг миқдорини атмосферада кескин кўпайиши, рН қийматининг курукликдаги ва океандаги сувларда ортиши Fe, Mn, P, V, Co, Cr, Ni, Cu ва бошқа элементларнинг геохимик ҳаракатчанлигини яна ҳам камайтирди. Натижада маъдан жараёни фанерозойни гумид ва арид литогенезида (Н.М. Страхов) континент майдонига жуда ҳам сиқиб қўйилди.

Биосферани кенг ривожланиши жинсларда тарқоқ систематик ҳолда органик моддаларни кўп миқдорда тўпланишига ва мустақил органиген жинсларни ҳосил бўлишига олиб келди. Денгизларда ёнар жинслар, курукликда эса кўмирлар ҳосил бўлди.

Денгиз сувларида эриган карбонатларни камайиши, олдинги босқичдаёқ гумид иқлим шароитида, таркибида кимёвий доломитни ҳосил бўлишини тугашига олиб келган эди. Қурғоқчилик зоналаридаги сув хавзаларида кўп миқдорда кимёвий доломит чўкмага тушабошлади. Гумид шароитда карбонатларни тўпланиши фақат оҳакли бўлиб, денгиз сувидан CaCO_3 биоген усули билан ажратиб

олинабошланди. Умиртқали организмларнинг кенг ривожланиши биоген оҳактошларни кўп миқдорда ҳосил бўлишига олиб келди.

Худди шундай ҳодиса (Н.М. Страхов) SiO_2 ривожланишида ҳам бўлди. Сувлардан SiO_2 кимёвий усул билан ажралиб чиқиши биоген усул билан алмашинади. Денгиз сувида рН қийматининг ортиши фосфоритларни чўкишига қулай шароит яратди. Аксинча рН қийматини қуруқликдаги ва денгизлардаги сувларда ортиши Al , Fe , Mn нинг силжиш хусусиятини сусайтирди. У ўз навбатида фанеразой давомида маъдан ҳосил бўлишини камайтирди.

Саволлар.

1. Чўкинди ҳосил бўлиш жараёнини қандай тушунасиш?
2. Ерда чўкинди ҳосил бўлиш жараёни эволюцияси тарихини Н.М. Страхов нечта босқичга бўлади? Улар қанча вақт давом этган?
3. Ерни бошланғич океанини ва биринчи атмосферани таърифлаб беринг. Азой босқичи давомида уларни эволюцияси қадай бўлган?
4. Азой босқичи давомида юқори геосферани ривожланишида литогенезни қайси тури ҳукмронлик қилган?
5. Археозой босқичида Ерни гидросфераси ва атмосферасини эволюцияси қандай бўлган?
6. Архезой ҳавзаларида ҳосил бўлган чўкиндиларни таърифлаб беринг.

7. Протерозой босқичини ривожланиши давомида гидросфера ва атмосфера эволюциясини таърифлаб беринг.
8. Протерозой литогенез жараёнини таърифлаб беринг.
9. Фанерозой литогенезини асосий хусусиятлари қандай?
10. Фанерозой давомида атмосферани ва гидросферани эволюцияси қандай бўлган?
11. Н.М. Страховни фикри бўйича қайси босқичда Ерда ҳаёт бошланган ва қачон фотосинтез қилувчи организмлар пайдо бўлган?

Адабиётлар

1. А.Абидов, Й.Эргашев, М. Қодиров, Нефть ва газ геологияси русча ва ўзбекча изохли луғат. Тошкент, 2000.
2. Бакиров А. идр. Теоретические основы и методы поисков и разведки скопления нефти и газа. Москва, 1987.
3. Безбородов Р.С. Краткий курс литологии. -М.; Из-во университета Дружбы народов, 1989.
4. Белоусова О.И. Михина В.В. Общий курс петрографии, -М.; Недра, 1972.
5. Бетехти А.Г. Курс минералогии. М. Госгеолтехиздат, 1961.
6. Вильямс М.С. Петрография. Перевод с английского. М. 1985.
7. Геолгический словарь. Том 1-2. М. 1973.
8. Долимов Т.Н., Мусаев А.А., Қўшмуродов О.Қ., Ғаниев И.Н., Қодиров М.Х., Ишбаев Х.Д. Петрография, Ўқув қўлланма, Тошкент, МДУ, т, 2005.
9. Лазаренко Е.К.. Курс минералогии. М. Изд-во Высшая школа, 1971.
10. Лапинская Т.А. Прошляков Б.К. Основы петрографии. М. Недра, 1974.
11. Логвиненко Н.В. Петрография осадочных пород. 2-е изд. М.; Высшая школа, 1974.

12. Левинсон –Лессинга Ф.Ю., Струве Э.А. Петрографический словарь. М. Геолтехиздат, 1963.
13. Петтиджан Ф.Дж. Осадочные породы. М. Недра.1981.
14. Рухин Л.Б. Основы литологии. Л.Недра, 1969.
15. Содиқов О.С., Геология лугати. Ўз. Ф А нашр. Т. 1958.
16. Стархов Н.М. Основы теории литогенеза, М., Изд-во АН СССР, 1962.
17. Теодорович Г.И. Учение об осадочных породах.М. Госгеолтехиздат,1958.
18. Швецов М.С. Петрография осадочных пород, М. Госгеолтехиздат, 1958.
19. Қўшмуродов О.Қ., Қодиров М. Ҳ., Жинс ҳосил қилувчи минераллар, услубий қўлланма, Тошкент, МДУ, т, 1993.
20. Ҳамрабаев И.Ҳ., Ражабов Ф.Ш., Петрография асослари. Т., Ўқитувчи, 1984.
21. Шермухамедов Т.З. Чўкинди тоғ жинслари Тошкент, ТашДТУ, 199
22. Коллектив авторов под редакций Шоякубова Т.Ш. Рудные месторождения Узбекистана. – Ташкент. ИМР, 2001.
23. Коллектив авторов под редакций Шоякубова Т.Ш. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан. – Ташкент. Университет, 1998.
24. Коллектив авторов под редакций Шоякубова Т.Ш. Мурунтау. - Ташкент.: Фан, 1998.
25. <http://geo/web/ru/db/msg/html> Шарфман В.С., Кузнецов И.Е. Соболев Р.Н. Структуры магматических пород и их генезис, ВСЕГЕИ, Санкт-Петербург, 2006.
26. <http://geo/web/ru/db/msg/html> Короновский Н.В. Общая геология. – Москва. МГУ, 2006.
27. Петтиджан Ф.Дж. Осадочные породы. - М.: Недра, 1981.

Мундарижа

Сўз боши.....	3
Чўкинди жинсларнинг ҳосил бўлиши.....	6
Гипергенез босқичи.....	7
Седиментогенез.....	15
Диагенез босқичи.....	20
Чўкинди жинсларнинг таркибий қисми.....	22
Чўкинди тоғ жинсларнинг тузилиши.....	25
Чўкинди тоғ жинсларининг таснифи.....	28
Чўкинди жинсларни таърифи.....	28
Бўлакли чўкинди тоғ жинслари.....	29
Йирик бўлакли жинслар.....	30
Қум ва қумтошлар.....	34
Аралаш бўлакли жинслар.....	39
Вулканоген – бўлакли жинслар.....	43
Гил.....	45
Кимёвий ва биокимёвий тоғ жинслари.....	49
Аллитлар – алюминий жинслари.....	49
Темирли тоғ жинслари.....	52
Кремнийли тоғ жинслари.....	54

Карбонатли тоғ жинслари.....	57
Фосфорли тоғ жинслари.....	61
Манганолитлар /Марганецли тоғ жинслари/.....	63
Тузлар (эвапоритлар).....	64
Каустобиолитлар.....	67
Чўкинди жинсларнинг формацияси	69
Палеогеография	75
Чўкинди ҳосил бўлишининг умумий қонуниятлари ва эволюцион ривожланиш тарихи	75
Адабиётлар.....	95